



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Қарши шаҳри

2022 йил 22 июнь

4-1801-2203/1395-сонли иш

Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси Ҳ.Турсунов раислигида,  
судья ёрдамчиси Ҳ.Абсаттаровнинг котиблигида

нинг даъвогар  
манфаатида жавобгар  
дан 2 161 965 сўм асосий қарзни ундириш ҳақидаги  
даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили Ш.Очилов (ишончнома асосида)  
(жавобгар иштирокисиз)лар иштирокида суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб  
чиқиб, қуйидагиларни

**аниқлади:**

даъвогар  
манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар  
дан 2 161 965 сўм асосий қарзни ундиришни  
сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили низо юзасидан тушунтириш бериб, тарафлар ўртасида тузилган шартнома бўйича жавобгар 2021 йил ҳосилидан 40 гектар ер майдонидан 72.5 тонна буғдой топшириши лозим бўлганлигини, аммо 2 161 965 сўмлик маҳсулотлар етказиб берилмаганлигини, шунингдек жавобгарга уруғ, минерал ўғит, ёқилғи ва транспорт хизматлари учун жами 214 626 426 сўм миқдорида аванс маблағи берилганлигини, 2021 йил ҳолатида 18 364 083 сўм миқдорида қарздорлик тарафлар ўртасида солиштирма-далолатнома билан тасдиқланганлигини, қолган қарздорлик шу кунга қадар тўланмаганлигини, шартнома шартидан келиб чиқиб, 30 фоиз миқдорида жарима ҳисобланганлигини баён қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси тайинланган кун ва вақтида ҳақидаги ажрим нусхасини жавобгар олган бўлсада, суд муҳокамасида иштирок этмади.

Мазкур ҳолатда суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда – ИПК деб юритилади)нинг 128,170-моддаларига асосан жавобгар иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблади.

Шунга кўра, суд даъвогар вакилининг тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатлари ва тақдим этилган далилларни ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, тарафлар ўртасида 2020 йил 28 декабрда бошоқли дон харид қилиш бўйича фьючерс шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра жавобгар даъвогарга 2021 йил ҳосилидан 24 гектар ер майдонидан давлат стандарти бўйича 38.2 тонна буғдой топшириш, даъвогар эса шартномада белгиланган тартибда бошоқли дон уруғи билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ҳамда унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.



Даъвогар томонидан жавобгарга маҳсулотларни етиштириш учун 214 626 426 сўм миқдорида аванс маблағлари берилган.

Аммо, жавобгар шартномавий мажбуриятларни лозим даражада бажармасдан 2 161 965 сўм миқдорида ғалла маҳсулотларини етказиб бермаган.

Тарафлар ўртасида 2021 йил декабрь ойида тасдиқланган солиштирма-далолатномага асосан 18 364 083 сўм сўм миқдорида қарздорлик юзага келган.

Ушбу қарздорлик қисман қопланганлиги сабабли даъвогар қолган қарздорликни ундириш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилган.

Суд даъво талабларини асосли деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда – ФК деб юритилади)нинг 234-моддасига мувофиқ мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиги керак, 237-моддасига асосан мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларин бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

ФКнинг 238-моддасига мувофиқ мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

ФКнинг 244-моддасига кўра агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни бажаришни кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб бажаришга йўл қўйилмайди.

Ушбу Кодекснинг 437-моддасига асосан маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 465-моддасига кўра контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Тақдим этилган далиллар ва мазкур қонун ҳужжатларига асосан суд даъво талабининг асосий қарзни ундириш қисмини тўлиқ қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

ИПКнинг 66-моддасига кўра иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун



аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

ИПКнинг 74-моддасига мувофиқ суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи-назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса етарлилиги нуқтаи-назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб тан олинади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга асосан иқтисодий судларга бериладиган мулкӣ хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдоридан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, суд даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 2 161 965 сўм асосий қарз, 21 600 сўм почта харажати ҳамда республика бюджетига 270 000 сўм давлат божи ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8, 234, 437, 465-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 74, 112-113, 118, 176-179, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

#### **қ а р о р   қ и л д и :**

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар "Турсунов Зайниддин" фермер хўжалигидан даъвогар [REDACTED] фойдасига 2 161 965 сўм асосий қарз, 21 600 сўм почта харажати;

Республика бюджетига 270 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон бир ой муддатда апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**Ҳ.Турсунов**

